

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**БАФОЕВ ФАРРУҲ САДРИДДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 398.91(=512.133) 398.91(=112.2)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Бафоев Фаррух Садриддинович**

Ўзбек ва немис халқ мақолларининг қиёсий-типологик тадқиқи ..... 5

**Бафоев Фаррух Садриддинович**

Сравнительно-типологическое исследование узбекских и немецких  
народных пословиц ..... 27

**Bafoev Farruh Sadriddinovich**

The comparative and typologic search of uzbek and german proverbs ..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**БАФОЕВ ФАРРУҲ САДРИДДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fil760 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшонқулов Жаппор Салиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алламбергенов Кенесбай Алламбергенович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Сайиткулов Илҳом Абдусаламович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи муассаса:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б. Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Л. Худайкулова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Ш. Турдимов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарини номоддий маданий мерос объекти сифатида асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки фольклор асарлари халқнинг буюк тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини ўзида сақлаб келаётган бебаҳо маънавий меросдир. “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир”<sup>1</sup>. Уларни асраб-авайлаш, аждодлардан авлодларга етказиш халқнинг ўз тарихи ва буюк аждодларига чексиз ҳурмати ва эъзозининг рамзий ифодасидир. Қолаверса, фольклор асарлари халқларнинг босиб ўтган йўлини ўзида акс эттирувчи кўзгу сифатида миллий менталитетдаги ўзига хосликлар ва миллат сифатидаги йўлини ўрганишда муҳим омилдир.

Дунё фольклоршунослигида ўзининг қисқа шакли ва чуқур маъноси билан бебаҳо воситага айланган халқ мақолларини типологик жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан саналади. Зеро, уларнинг тематикаси, бадиияти, структурасини ўзаро қиёсий планда ўрганиш халқларнинг миллий ўзига хослиги ва тафаккур тадрижини яхлит планда кузатиш имконини яратади. Бу борада халқ ижодиёти асарларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишни бошлаб берган В.М. Жирмунский фикрлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Олимнинг таъкидлашича, турли халқлар фольклоридаги маъно жиҳатдан ўхшаш бир хил асарлар “... ўзининг ижод қилган халқига хос тарихий, психологик ва социал хусусиятларни, ўша халқнинг ижтимоий идеаллари ҳамда бадииятидаги миллий алоҳидаликлари, бинобарин, ўша халқнинг миллий қиёфасини намоён қилади. Уларни қиёслаш тамойили асосида ўрганиш усули ўша миллий ўзига хосликнинг тарихий асосларини чуқур аниқлаш имконини беради”<sup>2</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, ўзбек ва немис халқ мақолларини тематикаси, структураси, бадиияти, образлар тизими нуқтаи назаридан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ этиш икки халқ урф-одатлари, анъана ва қадриятларидаги муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларни аниқлаш, ўзбек ва немис халқи ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Шунингдек, икки халқ паремиологиясидаги ўзаро муқобил мақолларни аниқлаш ва уларнинг манбасини яратиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала – ўзбек тилини ривожлантириш, унинг дунё тиллари орасидаги маъқейини мустаҳкамлаш, миллий тил корпусини яратишда ҳам катта аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантананали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель.

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979. – С.186.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019-йил 23 сентябрдаги ПҚ-798-сон “Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 220-сон “2010-2020-йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси.** Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодининг махсус турига кирувчи халқ мақолларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқ этишга доир қатор ишлар яратилган. Хусусан, рус олимлари томонидан халқ мақолларининг келиб чиқиши, генезиси, бадиияти, структураси каби масалалар муайян халқ паремиологияси мисолида тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Ўзбек халқ мақолларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганишда венгер олими Ҳ.Вамбери ва рус олими Н.Остроумовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак<sup>4</sup>. Кейинчалик ўзбек фольклоршуносларидан Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақуловлар мақоллар тўпламларини нашр қилишган бўлса<sup>5</sup>, Б.Соатов ва Х.Шарафиддиновлар мақолшунослик бўйича

---

<sup>3</sup> Даль В.И. Пословицы русского народа. – М.: Гослитиздат, 1957; Рыбникова М.А. Русские пословицы и поговорки. – М., 1961; Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М., 1957; Снегирев И.М. Русские народные пословицы и притчи. – М., 1948. – С. 41.

<sup>4</sup> Vamberi H. Tschagataische Sprachstudien. – Leipzig, 1867; Остроумов Н. П. Пословицы и загадки сартов / Этнографические материалы. Вып. III. – Ташкент, 1895.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ мақоллари / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, Худойбергенов, С.Иброҳимов, –Тошкент: Ўздавнашр, 1958; Ўзбек халқ мақоллари / М. Нурмухамедов, М.Қўшжонов, Б.Саримсоқов. –Тошкент: Фан, 1978; Ўзбек халқ мақоллари / М. Нурмухамедов, М.Қўшжонов, М.Муродов. –Тошкент: Фан, 1981; Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар: Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Мадрахимова. –Тошкент: Фан, 1984; Ўзбек халқ мақоллари / Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1987; Ўзбек халқ мақоллари. Т.1. А-О. / Масъул муҳаррирлар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1987; Ўзбек халқ мақоллари. Т.2. П-Х. / Масъул муҳаррирлар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Фан, 1988; Ўзбек халқ мақоллари / Т.Мирзаев,

илк номзодлик ишларини ёзишди<sup>6</sup>. М.Афзалов, Б.Саримсоқов, О.Мадаев, Б.Соатов, Д.Раҳимбоева, Ф.Райҳонов ва бошқа олимларнинг мақолаларида мақол жанри хусусиятлари атрофлича ёритилган<sup>7</sup>. Ўзбек мақолларини қардош ҳамда дунё халқлари мақоллари билан қиёсий ўрганиш борасида Д.Раҳимбоева ва М.Темироваларнинг номзодлик тадқиқотлари юзага келди<sup>8</sup>. Бундан ташқари Ҳ.Абдурахмонов, Б.Жўраева, Д.Тошева, Д.Турдалиевалар мақолларни тилшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этишди<sup>9</sup>.

Немис халқ мақолларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш анча олдин бошланган бўлиб, илк мақол тўпламлари XI асрга тегишлидир. Бироқ улардаги намуналар асл матн ҳолида эмас, гексаметрлар шаклида бўлган. Бу ҳол XIV бошларигача давом этиб, кейинги даврда тузилган тўпламларда мақоллар алоҳида шаклда, рақамлар билан тартибланган ҳолда берилган. Немис мақолларини илмий жиҳатдан ўрганиш эса XIX аср охиридан бошланган<sup>10</sup>.

---

А.Мусақулов, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Шарқ, 2003; O‘zbek xalq maqollari / T.Mirzayev, Sh.Turdimov. – Toshkent: Sharq, 2012.

<sup>6</sup> Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских пословиц: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1986; Соатов Б. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц: Автореф.дисс. ... канд. филол.наук. – Ташкент, 1990.

<sup>7</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ мақоллари ҳақида / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1958; Саримсоқов Б. Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 288; шу муаллиф. Халқ тафаккурининг олмоқ қирралари / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 336-350; яна ўша. Мақоллар ҳақида / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 197-213; Мадаев О. Мақоллар оламида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984; Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. – Тошкент, 1994; Шу муаллиф: Ўзбек халқ мақоллари поэтикасига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 5-6. – Б. 41; яна ўша. Мақолнинг жанр табиатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 6. – Б. 38; яна ўша. Паремиялогик жанрларнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. № 3. – Б. 36-40; Жўраева Б. Мақолларда синонимия ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. № 5. – Б. 58-61; Раҳимбоева Д. Мақолларнинг таркибий тузилишидаги типологик хусусиятлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. № 5. – Б. 48-49; шу муаллиф: Синонимик мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. № 4. – Б. 36; Карим Б. Ҳерман Вамбери – ўзбек мақоллари таржимони // Жаҳон адабиёти. 2018. № 12. – Б. 178-183; Шамсиева М. Ўзбек ва рус халқ мақолларидаги “бахт” ва “бахтсизлик” концептларининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. № 3. – Б. 115-117; Раҳматов Й. Ўзбек халқ мақоллари ва Алишер Наврий танбехлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. № 1. – Б. 94-98; шу муаллиф. Мақол ва эртак муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2020. № 3. – Б. 53-58; Улуғов А. Мақолларнинг бадиий-эстетик вазифасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2020. № 4. – Б. 40-46; Муқимова З. Мақолларнинг лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2020. № 5. – Б. 126-130.

<sup>8</sup> Раҳимбаева Д. Сравнительная типология узбекских народных пословиц: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2001; Темирова М. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018.

<sup>9</sup> Абдурахмонов Ҳ. Ўзбек халқ мақолларининг синтактик хусусиятлари: Филол.фан. номз. ... дисс. – Самарқанд = Тошкент, 1964; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маънавий-услубий қўлланилиши: Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2017; Тошева Д. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD)... дисс. – Тошкент, 2017; Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Қарши, 2019.

<sup>10</sup> Thomas Althaus. Kleine Prosa der Frühen Neuzeit. In: Jb. der Oswald von Wolkenstein Gesellschaft 11 (1999). – S. 317-331; Barbara Bauer. Die Philosophie des Sprichworts bei Sebastian Franck. In: Sebastian Franck. Hg. v. Jan-Dirk Müller. – Wiesbaden, 1993. – S. 181-221; Hennig Brinkmann. Mittelalterliche Hermeneutik. – Darmstadt, 1980. – S. 160-162; Harald Burger u.a. Hb. der Phraseologie. – Berlin, – New York, 1982; Harald Burger. Phraseologie. – Berlin, 1998; Manfred Eikermann. Das Sprichwort im Sammlungskontext. In: Haug/Wachmger. 1994. – S. 91-116; Manfred Eikermann. „altsprochen wort“. Sentenz und Sprichwort im Kontext der mittelalterlichen Gnomik. In: Jb. der Oswald von Wolkenstein Gesellschaft II. 1999. – S. 299-315; Harald Fricke. Aphorismus. – Stuttgart, 1984; Peter Grzybek. Überlegungen zur semiotischen Sprichwortforschung. In: Kodikas/Code 7. 1984, Sobderh. – S. 215-249; Dietrich Harth. Philologie und praktische Philosophie. – München, 1970; Wolfgang Haubrichs. Die

Бироқ шу пайтга қадар ўзбек ва немис халқ мақоллари қиёсий жиҳатдан монографик планда тадқиқ этилмаган, фақат ушбу мавзуга яқин баъзи илмий мақолалар ёзилган<sup>11</sup>. Уларда турли халқлар фольклоридаги ўзаро муқобил мақоллар, уларнинг айрича хусусиятларига урғу берилган. Ушбу диссертацион ишда илк бор ўзбек ва немис мақоллари ўзаро қиёсланиб, монографик кўринишда тадқиқ этилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎЗР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режасига биноан Ф1-ФА.2012-1-8 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” (2012-2021) мавзусидаги илмий лойиҳа асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва немис мақолларининг ўзига хос хусусиятлари, тематикаси, тузилиши, бадиияти ва образлар тизимини типологик нуқтаи назардан аниқлаш ва шу орқали келажакда тузиладиган ўзбек ва немис мақоллари, фразеологик луғатларига назарий асос тайёрлаш, электрон таржима дастурлари учун манба яратишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва немис мақолларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш;  
мақолларнинг жанрий хусусиятлари ва бадииятини белгилаш;

ўзбек ва немис мақолларини тематик жиҳатдан қиёслаб, энг кўп учрайдиган ва кам мурожаат этилган мавзуларни аниқлаш ҳамда унинг сабабини изоҳлаш;

ўзбек ва немис фольклоридаги ўзаро муқобил мақоллар ва улардаги ўзига хосликларни аниқлаш;

---

Anfänge. Versuche volkssprachiger Schriftlichkeit im frühen Mittelalter (ca. 700-1050/60). –Tübingen, 1995; Joachim Heinzle (Hg.). Geschichte der deutschen Literatur von den Anfängen bis zum Beginn der Neuzeit. Bd. 1/1; Walter Haug, Burghart Wachinger (Hg.). Kleinstformen der Literatur. – Tübingen, 1994; Jan Fredrik Kindstrand. The Greek concept of proverbs. In: Eranos 76, 1978. – S. 71-85; Wolfgang Mieder. Das Sprichwort und die deutsche Literatur. In: Fabula 13, 1972. – S. 135-149; Peter v.Moos. Die Kunst der Antwort. In: Exempel und Exempelsammlung. Hg. v. Walter Haug und Burghart Wachinger. Tübingen, 1991. – S. 23-57; Dietz-Rüdeger Moser. Laienbildung und Volksdichtung bei Martin Luther. In: Literatur und Laienbildung im Spätmittelalter und in der Reformationszeit. Hg. v. Ludger Grenzmann und Karl Stackmann. – Stuttgart, 1984. – S. 55-77; Jan Dirk Müller. Buchstabe, Geist, Subjekt. In: MLN 106.3, 1991. – S. 648-674; Grünther Nahbergen. Morgen ist auch noch ein Tag. Eine Theorie mythischer Sätze Baltmannsweiler, 2000; Timothy Nelson. O du armer Luther... . Sprichwörtliches in der antilutherischen Polemik des Johannes Nas (1534-1590). – Bern u.a. 1992; Grigoriz I., Permjakov. Die Grammatik der sprichwörtlichen Weisheit. Übers, v. Peter Grzybek Baltmannsweiler, 2000; Lutz Röhrich, Wolfgang Mieder. Sprichwort. – Stuttgart, 1977; Hans Ruedf. Sprichwort und Sprache. Am Beispiel des Sprichworts im Schweizerdeutschen. – Berlin, – New York, 1995; Susanne Schmarje. Das sprichwörtliche Material in den Essais von Montaigne. 2 Bde. – Berlin. – New York, 1973; Friedrich Seiler. Deutsche Sprichwörterkunde, 1922. – Repr. – München, 1967; Archer Taylor. The proverb, 1931; Hatboro Kopengagen, 1962; Thesaurus proverbiorum medii aevi. Lexikon der Sprichwörter des romanisch-germanischen Mittelalters. Hg. v. Kutarorium Singer der Schweizerischen Akademie der Geistes- und Sozialwissenschaften. 13 Bde. – Berlin, –New York, 1995-2002; Karl Friedlich Wilhelm Wander. Das Sprichwort. 1836; Repr. – Bern u.a. 1983; Karl Friedrich Wilhelm Wander Deutsches Sprichworter-Lexikon. 5 Bde.1867-1880. – Darmstadt, 1964; Bartlett Jere Whiting. The nature of the proverb. In: Harvard Studies and Notes in Philology und Literature 14, 1932. – S. 273-307.

<sup>11</sup> Yaqubova M. O'zbek maqollarining g'arb xalqlari folkloridagi ma'nodosh muqobillari // Ilm sarchashmalari. – Urganch, 2013, № 7-8; “Leksikografiya va frazeografiyaning dolzarb muammolari (nazariya va amaliyot)” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Toshkent, 2014.

ўзбек ва немис мақоллари тузилишидаги ўзига хосликларни қиёсий планда ўрганиш;

мақолларда миллий менталитетнинг ўзига хос жиҳатларини қиёсий-типологик асосда очиб бериш;

ўзбек ва немис мақолларининг бадиияти, образлар тизимидаги ўзига хосликларни қайд этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ва немис халқ мақолларининг турли йилларда нашр қилинган тўпламларидаги мақоллар танланган. Таҳлил жараёнида ўрни билан бошқа халқлар мақолларига ҳам мурожаат этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек ва немис халқ мақолларининг тематик, семантик, структурал, ғоявий, бадиий хусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини очиб беришда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, структурал-семиотик ҳамда этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

ўзбек ва немис халқ оғзаки ижодида қўлланадиган ибратли, тугал фикрни ифодаловчи жанрларга нисбатан ишлатилувчи терминларнинг, ўзбек ва немис фольклоршунослигида мақолларнинг келиб чиқиши, жанр тематикаси, структураси, бадиияти, образлар тизимидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар икки халқ мақолларидан олинган мисоллар ёрдамида аниқланган;

ўзбек ва немис халқ фольклорида учровчи икки компонентли мақолларнинг маъно муносабатига кўра 4 тури ( $АБ=АБ$ ,  $АБ<АБ$ ,  $АБ>АБ$ ,  $АБ↔АБ$ ) аниқланиб, уларнинг бир-биридан мазмуни, асосий фикрни ифода этувчи қисмнинг жойлашиш ўрни, паремиологик бирликларнинг компонентлари орасида зиддий ёки нозиддий муносабатнинг ифодаланиши каби асосий фарқлари очиб берилган;

ўзбек ва немис халқ мақолларида энг кўп ва кам мурожаат этилган мавзулар, мақоллардаги тематик тафовутнинг ушбу паремиологик бирликларни ижод этган халқнинг миллий ўзига хослиги, эътиқоди, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган сабаблари очиб берилган, ҳар икки халқ оғзаки ижодида учровчи ўзаро муқобил мақоллар шакл ва мазмун жиҳатидан уч типга ажратилиб, уларнинг пайдо бўлиш ва тарқалиш илдизлари далилланган;

ўзбек ва немис халқ мақолларида энг кўп қўлланган образлар, икки халқ мақолларининг образлар тизимидаги инсонлар, ҳайвонлар, нарса-предметлар ва воқеа-ҳодисалар рамзлари билан боғлиқ ўхшашликлар ва мақоллар матнида қўлланган образларнинг ўзбек ва немис халқлари тафаккурида шаклланган маънолари билан боғлиқ фарқли жиҳатлари аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ўзбек ва немис халқ мақолларининг ўрганилишидаги ўзига хос жиҳатлар очиб берилган;

ўзбек ва немис халқ мақоллари тўпламларини тузишдаги принциплар қиёсланган;

Ўзбек ва немис халқ мақолларидаги шаклий муштараклик ва ўзига хосликлар дунё олимларининг назарий фикрлари асосида чоғиштирилиб, муайян хулосаларга келинган;

Ўзбек ва немис мақолларидаги ўзаро муқобил мақоллар қиёсланиб, мазмуний ва шаклий энг мақбул вариантлар топилган ва уларнинг икки халқ адабиётини таржима қилиш жараёнида қўл келиши исботланган;

Ўзбек ва немис халқ мақоллари тематикасидаги кўп учровчи мавзулар ва уларнинг ўша халқ дунёқараши, турмуш тарзи билан боғлиқлик томонлари таҳлил этилган;

Ўзбек ва немис мақолларидаги ўхшаш ва фарқли образлар тизими, синтактик тузилиши, ғоявий-бадий хусусиятлари типологик нуқтаи назардан ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, диссертация режасининг тўғри тузилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик ҳамда структурал-семантик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, ўзбек ва немис халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятлари, мавзу кўлами, структураси, бадииятини таҳлил этишда ўзбек ва немис фольклорининг турли даврларга оид ишончли манбаларидан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти юзага келган назарий хулосалар ўзбек ва немис халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятлари, тематикаси, бадиияти, образлар тизимидаги ўхшашликлар ва ўзига хосликларни аниқлаш орқали дунё фольклоршунослигидаги илмий хулосалар тўлдирилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўзбек ва немис халқ мақолларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш ҳамда икки халқ мақолларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш орқали ҳосил бўлган илмий қарашлар ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига, олмон мақолшунослиги тажрибаларини ўрганиш ўзбек мақолларини нашр этиш, ўрганиш борасида олиб бориладиган кейинги ишларга илмий манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбек ва немис халқ мақолларининг қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий-назарий натижаларидан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 6 сентябрдаги № 3/1255-2437-сон маълумотномаси). Натижада “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги таркибидаги нашрга тайёрланиши режалаштирилган ўзбек халқ мақолларининг алифбо тартибига асосланган уч жилдлиги учун зарур бўлган фактик материалларни жамлашда, хусусан, халқ мақолларига оид материалларни саралаш, уларнинг турли вариантларини жамлаш ва бадий жиҳатдан энг мукамал намуналар асосида таянч матнлар базасини яратишда

иш давомида тўпланган фактик материаллар, жумладан, Бухоро вилоятидан ёзиб олинган ва турли адабий-бадий манбалардан йиғилган мақоллардан фойдаланилишига эришилган;

қадимги манбалар асосидаги халқ мақолларини саралаш, уларнинг асл ва ўзгарган муқобилларини аниқлаш, семантик маъно талқинларини шарҳлаш ва таснифлаш борасидаги натижалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 12 октябрдаги № 01/4-1866-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт муносабатлари, образлар тизими, фольклорнинг ёзма адабиётга кўчиб ўтиш жараёни ёритилган бой манбалар билан тўлдирилган;

ўзбек ва немис халқ мақолларини қиёсий ўрганиш ишини кенг омма орасида тарғиб қилишда тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканалининг “Ибратга йўғрилган умр”, “Таълим ва тараққиёт” ва “Ойдин ҳаёт лайф” кўрсатувларида ҳамда “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Махзан” кўрсатувлари сценарийларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 декабрдаги 02-14-1307 ҳамда 2021 йил 12 октябрдаги 02-13-1604-сон маълумотномалари). Натижада ўзбек ва немис халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг халқ педагогикасидаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 159 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек ва немис халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ўрганилиши” деб номланган. Унинг биринчи фасли “Халқ мақоллари ва уларга хос етакчи хусусиятлар” деб аталган бўлиб, унда мақол жанри, уни ифода этувчи турли истилоҳлар, уларнинг келиб чиқиши ва жанрий хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Мақолларнинг юзага келиши халқнинг шаклланиш тарихи каби кўхнадир. Чунки улар халқнинг ҳаёт тажрибалари давомида орттирган хулосаларини ўзида ифодалайди. Немис олими Фридрих Зайлер фикрича, немис халқ мақолларининг пайдо бўлиши насронийлик динининг муқаддас китоби Инжил, ҳатто ундан ҳам қадимги даврларга бориб тақалади<sup>12</sup>. Рус паремиологи И.М.Снегирев эса мақолларнинг пайдо бўлиш жараёнини пайғамбарлар, башоратчилар, донишмандлар, қабила бошлиқлари ва шоҳларнинг халққа қаратилган нутқлари билан боғлайди<sup>13</sup>. Булардан кўринадики, илк мақоллар одамзоднинг оламни англаш, ҳаётни ўрганиш йўлидаги дастлабки изланишлари ҳосиласидир.

Мақолларнинг яшовчанлигини таъминловчи асосий омил уларнинг ижодкори бўлган халқнинг нутқида фаол қўлланишидир. Бундан ташқари ёзма адабиёт ҳам мақолларнинг яшаб қолишини таъминлайди. Улар фанда “фольклоризм” атамаси билан юритилади. Фольклоризмлар бир томондан, ижодкор айтмоқчи бўлган фикрнинг таъсирчан чиқишини таъминласа, иккинчи томондан, асар қаҳрамонлари характерини тўлақонли очиб беришга хизмат қилади. Қолаверса, улар орқали биз мазкур фольклор намунаси тахминан қачон юзага келгани ва халқ нуктида қўллана бошланганини ҳам билишимиз мумкин.

Мақоллар бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилар тавсифича, унинг жанрий хусусиятлари ва улардаги энг асосий жиҳатлар қуйидагилар: шаклан қисқалик ва оҳангдорлик, мазмунан серкўламлик, ифодада ҳукм шаклига эгалиги, ҳукмнинг эса мусбат ёки манфий мазмун ифодалаши. Бундан ташқари, мақоллар макон ва замон танламайдиган, ҳамма вазиятда ҳам қўлланадиган умумийлик, муайян бир вазиятдагина қўлланадиган вазиятчилик хусусиятларига ҳам эгадир.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Ўзбек ва немис мақолларининг ўрганилиши”га бағишланган.

Маълумки, туркий халқларга тегишли илк ёзма манба битиктошлар ҳисобланиб, туркий халқлар паремиологиясига тегишли фольклоризмларни ҳам битиктошларда учратиш мумкин. Аммо мазкур бирликларнинг халқ мақоли эканлигига урғу берилмаса-да, шакл ва мазмун уларнинг паремиологик бирликлар эканлигидан дарак беради. Проф. Н.Раҳмонов “Тўнжук” битиктошида келган “Ғам ўз уйингда” жумласини халқ мақоли эканлигини таъкидлаб, изоҳлаб ўтади<sup>14</sup>.

---

<sup>12</sup> Seiler F. Deutsche sprichwörterkunde. – München. 1922, – S. 4.

<sup>13</sup> Снегирев И.М. Русские народные пословицы и притчи. – М., 2014. – С. 17-18.

<sup>14</sup> Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 86.

Ўзбек мақолларининг ўрганилиши, тўпланиши ҳақида гап кетганда, аввало, Маҳмуд Кошғарий номини тилга олиш керак. Унинг “Девони луғатит-турк” асарида туркий халқлар паремиологиясининг энг қадимги “*saw*”ларидан 270 дан ортиғи жамланган. Кошғарийдан кейинги даврда Юсуф Хос Ҳожибдан Навоийгача, Машрабдан Ҳамзагача бўлган мумтоз адабиётда фойдаланилган мақолларни проф. Б.Саримсоқов қайд этган “оддий фольклоризм” намунаси сифатида кузатиш мумкин. Хусусан, Муҳаммад Шариф Гулханий ва Сулаймонқул Рожий “Зарбулмасал”ларида ҳам халқ мақоллари ўзига хос тарзда жамланган<sup>15</sup>.

Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижод намуналарини тўплаш, нашр этиш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва бошқа тилларга таржима этиш ишлари, асосан, XIX асрнинг 50-йилларида Туркистонга саёҳат қилган Европа ва Россия олимлари томонидан амалга оширила бошланди. Улар орасида венгер олими Ҳ.Вамбери, рус олими Н.Остроумовнинг хизматлари алоҳида эътиборга молик<sup>16</sup>.

Вамберининг “*Čagataische Sprachstudien*” (“Чиғатой тили сабоқлари”) китоби дастлаб 1867 йилда Лейпциг (Германия)да, иккинчи бор 1975 йилда Амстердам (Нидерландия)да чоп этилган. Унинг “*Хрестоматия*” қисмида “*Einige özbegische Sprüchwörter*” (Бир қанча ўзбек мақоллари) сарлавҳаси остида 112 та ўзбек мақоллари ўзбек-арабий ҳамда латин имлосида олмон тилидаги таржимаси билан берилган: “*تام نينك قولايي بار . Tamning қulagi bar*<sup>17</sup>. *Die Mauer hat auch Ohren*”<sup>18</sup>. Баъзи мақоллардан сўнг қавс ичида ёки ҳавола шаклида қўшимча изоҳлар ҳам бериб ўтилган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам мақол маъносини тўғри ва тўлиқ очиб бермаган. Асардаги 112 та ўзбек мақолининг 85 таси “Ўзбек халқ мақоллари”<sup>19</sup> тўпламидан жой олган бўлиб, бу ҳолат мазкур паремиологик бирликлар ҳозирга қадар ҳам нутқда қўлланиб келаётганидан дарак беради. Ҳ.Вамберида кейин 1895 йилда Н.П.Остроумов 1000 та ўзбек мақолини тўплаб чоп эттирди<sup>20</sup>. Унда мақоллар 21 мавзуга ажратилган.

Кейинчалик эса ўзбек олимларидан Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, О.Мадаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, Б.Соатов, Х.Шарафиддинов, Ҳ.Абдурахмонов, Б.Соатов, Д.Раҳимбоева, Ф.Райҳонов, М.Темирова, Б.Жўраева, З.Тошева, Д.Турдалиевалар ўзбек мақолларини тўплаш ва ўрганиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Немис мақолларининг ўрганилиши борасида Ф.Зайлер хизматларини алоҳида қайд этиш жоиз. У “*Deutsche Sprichwörterkunde*” (“Немисча мақоллар таълимоти”) асарида мақол, унинг шакллари, келиб чиқиши, немис

<sup>15</sup> Mirzayev T. So‘zdan so‘zning farqi bor / O‘zbek xalq maqollari. – Toshkent, 2013. – B. 4.

<sup>16</sup> Vamberi H. Tschagataische Sprachstudien. – Leipzig., 1867; Остроумов Н. П. Пословицы и загадки сартов // Этнографические материалы. Вып. III. – Ташкент, 1895.

<sup>17</sup> Ushbu maqol hozirgi kunda „Devorning qulog‘i bor“ shaklida uchraydi.

<sup>18</sup> Vamberi H. Čagataische Sprachstudien. – Amsterdam, 1975. – S. 49.

<sup>19</sup> O‘zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musaqulov, B.Sarimsoqov. – T.: Sharq, 2019. – 512 b.

<sup>20</sup> Н.П.Остроумовъ. Сарты. Этнографические материалы. Выпускъ третій. “Пословицы и загадки сартовъ”. Ташкентъ. 1895.

мақоллари келтирилган илк манбалар, турли даврларда нашр этилган мақол тўпламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мақоллар тили, ритм, қофия; турли мавзулардаги мақоллар ва уларнинг келиб чиқиши кабиларга батафсил тўхталади.

Илк немис халқ мақоллари тўпламлари XI асрдаёқ тузила бошланган. Аммо ҳозиргача етиб келган тўпламларнинг XI аср бошидан XIV аср охиригача бўлганларида мақоллар лотин гексаметрларига айлантирилган ҳолда берилган. Бундай тўпламларнинг энг қадимийларидан бири Эгберт фон Люттихнинг “Die Fecunda ratis” асаридир<sup>21</sup>.

Аксарият немис мақоллари тўпламларида мақолларгина эмас, балки бошқа паремиологик бирликлар ҳам ўрин олган. Шулардан бири Элке Герр томонидан тузилган “4000 Sprichwörter und Zitate” тўпламидир. Ундан мақоллар билан биргаликда афоризмлар, иборалар, маталлар жой олган. Халқ мақолларини локал хусусиятига кўра ажратиш мақолшунослик амалиётида ҳар доим ҳам кузатилавермайдиган ҳодиса бўлса-да, аммо паремиологик бирлик тили ва маъносига кўра улар қаерда яратилгани ва қўлланишини билиш мумкин. Жумладан, “4000 Sprichwörter und Zitate” тўпламида аксарият мақоллар шунчаки “Sprichwort” (мақол) дея изоҳланса, баъзилари “Berliner Sprichwort” (Берлин мақоли) дея ажратиб берилган. Ўзбек мақолшунослигида мақолларни локал хусусиятига кўра ажратиш кузатилмаса-да, аммо баъзи тадқиқотчилар муайян мақоллар мазмунидан уларнинг қайсидир ҳудудда яратилгани ёки қайсидир ҳудудга тегишли эмаслиги борасида фикр билдиришган<sup>22</sup>.

Немис халқ мақолларини академик нуқтаи назардан ўрганиш Карл Фридрих Вилгелм Вандер томонидан амалга оширилди. Тадқиқот “Deutsches Sprichwörter-Lexikon” (“Немисча мақоллар луғати”) деб номланган. 5 томлик бу китобда мақоллар лексик тасниф бўйича, алифбо тартибида жамланган, зарур ўринларда изоҳлар билан бойитилган. Тўплам 1866-1880 йилларда яратилган бўлиб, 250 000 яқин паремияларни ўз ичига олади.

Немис мақоллари жамланган замонавий луғатларнинг яна бири “Redewendungen und sprichwörtliche Redensarten” деб номланади. Луғат “Duden” туркумидан чиқарилган 11-китоб бўлиб, 1998 йилда нашр этилган. Луғатдан мақоллар, маталлар, муқим иборалар жой олган, 10000 дан ортиқ бирликларнинг маъноси, келиб чиқиши ва қўлланилиши замонавий немис адабиётидан олинган мисоллар орқали изоҳланган.

Фольклоршуносликда мақол тўпламларини нашр этишда уларни таснифлаш ҳам муҳим саналади. Дунё фольклоршунослигида халқ мақолларини нашр қилишда алифбо тартибига кўра тасниф, тематик тасниф, поэтик тасниф, структурал тасниф, лексик тасниф, тарихий тасниф, генетик, монографик тасниф сингари тасниф турларидан кенг фойдаланилган. Бу таснифлаш турлари мақолларни тематик, бадий, структурал, образлар

---

<sup>21</sup> Friedrich Seiler. Deutsche Sprichwörterkunde. 1922, – S. 71-72.

<sup>22</sup> Мадаев О. Мақоллар оламида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – Б.7; Темирова. М. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 65.

тизими каби томонлардан ўрганиш, тадқиқ этиш ишида тадқиқотчига ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбек ва немис халқ мақолларининг структурал-семантик тадқиқи” деб номланади. Унинг биринчи фасли “Халқ мақолларининг тузилиши”ни ўрганишга бағишланган.

Шу пайтга қадар ўзбек фольклоршунослигида халқ мақоллари структураси фундаментал жиҳатдан ўрганилмаган. Баъзи тадқиқотларда мақоллар тузилиши ҳақидаги таҳлилларга ўрин берилган<sup>23</sup>. Мақоллар структурасини белгилаш ва таснифлашда Калифорния университети профессори Алан Дандис қўллаган метод эътиборга сазовор<sup>24</sup>. У мақолларни бир тема (мавзу) ва бир изоҳ (таҳлил)га эга бўлган дескриптив элементлар асосида тавсифлайди. Олим М.Кууси ушбу икки қисмни, яъни “мавзу”ни субъект ёки объект, “изоҳ”ни эса “предикат” деб кўрсатиб ўтади. Бизнингча, ушбу икки қисмни “мавзу” ва “изоҳ” каби қисмларга ажратиш содда ва тушунарлидир. Одатда, ушбу икки таркибий қисм (мавзу, изоҳ) бир сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлиши мумкин.

Шу пайтга қадар мақоллар компонентлар сонига кўра турлича таснифланган. Бизнингча эса уларни а) содда дескриптивли; б) кўшма дескриптивли; с) мураккаб дескриптивли<sup>25</sup> тарзида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Буларнинг биринчисига бир “мавзу” ва “изоҳ”дан иборат мақоллар, иккинчисига – кўшма дескриптивлигига икки “мавзу” ва “изоҳ”дан иборат мақоллар ва ниҳоят, учинчи гуруҳга иккидан ортиқ “мавзу” ва “изоҳ”дан иборат мақоллар киради. Кузатувларимиз натижаси шуни кўрсатадики, ўзбек халқ мақолларининг асосий қисмини кўш, яъни икки дескриптивли мақоллар ташкил этса, немис паремиологиясида содда дескриптивли мақоллар асосий ўринни эгаллайди. Мураккаб дескриптивли мақоллар эса ҳар иккала халқ паремиологиясида ҳам жуда кам учрайди.

Бир дескриптивли мақолларда лаконизм хусусиятининг энг юқори даражасини кузатиш мумкин. Лаконизм фикрни ихчам шаклда, лўнда ва аниқ ифодалаш усулига нисбатан ишлатилади. Бу ҳолатни ўзбек мақолларида ҳам (“Қиз – кўноқ”), немис мақолларида ҳам (“Eigenlob stinkt”<sup>26</sup> (Мақтанчоқ сасийди), ўзбекча муқобили: “Аҳмоқ ўзини мақтайди”) учратиш мумкин.

Мақоллардаги бундай қисқа шакл орқали кенг маънони ифодалаш ҳодисаси уларда қўлланадиган сўзларнинг синтактик шакллари билан ҳам бевосита боғлиқ. Хусусан, ўзбек халқ мақолларида “отлар, умуман, кўпликда қўлланмайди: “Балиқ сув билан тирик, Одам – эл билан”. Бу ҳолат немис мақолларида учрамайди: “Kleine Kinder treten der Mutter auf die Schürze,

---

<sup>23</sup> Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қирралари / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1981; Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. – Тошкент, 1994.

<sup>24</sup> Дандис А. О структуре пословицы. – Паремиологический сборник. – М., 1978. – С. 21.

<sup>25</sup> Bafojev F. STRUCTURE OF FOLK PROVERBS (EXAMPLE OF UZBEK AND GERMAN PROVERBS) // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. № 7. – India, 2020. – P. 655.

<sup>26</sup> Пошали У., Маматов Р. Немис халқ мақоллари, маталлари ва уларнинг ўзбекча муқобиллари. – Самарқанд, 1975. – Б. 22.

grosse aufs Herz” (Кичик болалар онанинг бағрида бўлсалар, катталари юрагидадирлар).

Мақолларда “мавзу” ва “изоҳ” орасидаги мазмуний-мантиқий муносабат асосан нозиддий (тўғри) ва зиддий (қарама-қарши) шаклда бўлади<sup>27</sup>. Нозиддий муносабатда мақол “мавзу”сида илгари сурилган фикр “изоҳ” орқали мантиқий мустаҳкамланади. Масалан, “Бирликда барака бор”<sup>28</sup> мақолида “изоҳ” қисм (барака бор) “мавзу”даги фикр (бирлик)ни тасдиқлаш орқали контекстдаги мазмунни юзага келтиряпти. Бу ҳолатни немисча “Lügen haben kurze Beine” (Ёлғоннинг оёғи қисқа) мақолида ҳам кузатишимиз мумкин. Мақол “изоҳ” (“оёғи қисқа”)ида “мавзу” (ёлғон)нинг сифати очиб берилмоқда. Ушбу типдаги мақоллар структураси “А=Б” моделига асослангандир. Мантиқий зиддий муносабат эса дескриптив “мавзу”си билан “изоҳ”и ўртасидаги номутаносибликни, мантиқий инкорни билдиради. Масалан, ўзбекча “Бугунги ишни эртага қўйма”, немисча “Das Heute soll dem Morgen nichts borgen” (“Бугун эртага қарзга берилмайди”) мақолларида “бугунги ишни><эртага қўйма”, “бугун><қарзга берилмайди” сўзлари мантиқий зиддиятни вужудга келтирган. Ушбу мантиқий зиддий муносабатнинг умумий модели эса “А><Б” шакли билан ифодаланади.

Икки компонентли мақолларда бундай тузилишнинг турли шакллари учратиш мумкин. Чунки улар маъно ва шакл жиҳатидан анча мураккаб тузилишга эга бўлади. Б.Соатов ўзигача мақоллар структурасини ўрганган олимлар фикрига таянган ҳолда, нозиддий муносабат билан бириккан мақоллар “А>Б” ёки “Б<А” тузилишига эга бўлишини таъкидлайди. Бунда “А” мақолда илгари сурилган асосий фикр “мавзу”ни ифодаласа, “Б” фикрни тўлдириб келувчи ёрдамчи восита – “изоҳ”ни билдиради. Аммо бизнингча, қўш компонентли (дескриптивли) мақолларни бундай формула асосида белгилаш таҳлил жараёнида чалкашликни келтириб чиқариши мумкин. Боиси, ҳар бир компонент ички тузилишига кўра “мавзу” ва “изоҳ”га бўлинади. Олдинги таҳлилларда “мавзу” “А”, “изоҳ” “Б” шаклда белгилаб олиниши қабул қилингани ҳақида айтиб ўтган эдик. Шу сабабли бир неча компонентли мақолларнинг ҳар бир компонентини яна “А” ёки “Б” шаклда изоҳлашни маъқул кўрмадик. Бизнингча, мақолдаги ҳар бир компонентни “АБ” тарзида белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Компонентлар ораси эса “<”, “>”, “=” ва “→” белгилари билан ажратилади. Биз таҳлилларимиз давомида шу шаклда белгилашдан фойдаланамиз.

Нозиддий муносабат асосида бириккан икки компонентли мақоллар мазмунан битта бутунликни ташкил этади. Масалан, ўзбекча “Айрон ош бўлмас, Нодон – бош”, немисча “Den Esel kennt man an den Ohren, an die Rede den Toren” (Эшакни қулоғидан танийдилар, аҳмоқни – сўзидан) мақолларида контекстда айтилмоқчи бўлган асосий фикр иккинчи компонентда ифодаланмоқда. Биринчи қисм эса иккинчи компонентда илгари суриляётган фикрни образли ифодалаш учун ёрдамчи восита вазифасини ўтаётти. Бундай

<sup>27</sup> Қаранг: Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. – Тошкент, 1994. – Б. 43.

<sup>28</sup> O‘zbek xalq maqollari. – Toshkent, 2005. – Б. 8.

тузилишдаги мақоллар “АБ<АБ” шаклига эга. Бу нозиддий муносабатли мақолларнинг биринчи типи (Буни Б.Соатов А<Б формуласи орқали ифодаланган.)

Икки компонентли мақолларнинг иккинчи – “АБ>АБ”<sup>29</sup> типига эса ўзбеклардаги “Эл эгасиз бўлмас, Тўн – ёқасиз”, немис фольклоридаги “Der Mensch ist zur Arbeit geboren, wie der Vogel zum Fliegen” (Одам меҳнат учун туғилган, Қуш учиш учун) мақолларини мисол қилиб келтириш мумкин. Уларда асосий фикр биринчи компонентда ифодаланган. Кузатувларимиз натижасида маълум бўлдики, бундай типдаги мақоллар ҳар икки халқ ижодида ҳам жуда кам учрайди.

Проф. Б.Саримсоқов икки компонентли мақоллар структурал-семантик хусусиятларини а) биринчи компоненти қиёслаш, қарама-қарши қўйиш ёки ўхшатиш учун хизмат қилувчи, иккинчи компоненти эса асар заминида ётган асосий фикрни ифодаловчи мақоллар; б) ҳар икки компоненти ҳам мақол семантикасини ташкил этишда тенг иштирок этувчи мақоллар тарзида икки типга ажратади<sup>30</sup>.

Ушбу таснифдаги биринчи типга биз юқорида таҳлилга тортган “АБ>АБ” тузилишли мақолларни киритиш мумкин. Ушбу типдаги мақолларда биринчи дескриптив иккинчи қисмда илгари сурилаётган асосий фикрни қиёслаш орқали тўлдиришга хизмат қилади (“Arbeit bringt Brot, Faulheit Not” (Меҳнат нон келтиради, дангасалик муҳтожлик). Бироқ проф. Б.Саримсоқов таснифининг бир мулоҳазали жиҳати ҳам бўлиб, биринчи гуруҳга кирувчи мақолларда ҳар доим ҳам биринчи компонент қиёслаш, қарама-қарши қўйиш ёки ўхшатиш учун, иккинчи компонент асосий фикрни ифодалаш учун хизмат қилмаслиги мумкин. Биз юқорида таҳлил этган “АБ>АБ” шаклли мақолларни ана шу гуруҳга киритиш мумкин.

Б.Саримсоқов таснифидаги иккинчи гуруҳга “Қўрқоқнинг кўзи катта, Дангасанинг – сўзи” типдаги бирликлар киради. Ушбу мақоллардаги ҳар икки компонент ҳам бири иккинчисини тўлдиради ва бир-биридан айро ҳолатда ишлатилиши мумкин ҳамда “мақол семантикасини ташкил этишда тенг иштирок этади”. Бу каби мақолларни немис фольклори намуналари орасида ҳам учратиш мумкин: “Fleiß erwirbt, Faulheit verdirbt” (Тиришқоқлик тузади, дангасалик бузади).

Икки компонентли мақолларнинг яна шундай тури ҳам борки, улар юқоридаги икки типдан тубдан фарқ қилади. Масалан, “Қийғир учса, чумчукни тирқишда кўр” ўзбек мақолида ёки “Wer mit Hunden ins Bett geht, steht mit Flöhen auf” (Ким итлар билан ухласа, бурга билан уйғонади) мақолларида икки компонент қўшилиб, бир фикрни ҳосил қилган. Мақол қисмлари ўзаро мустақил қўллана олмайди. Юқорида таҳлилга тортганимиз икки компонентли бирликлар сингари қисмлари орасида қиёс, зидлаш муносабати ҳам, ўзаро мустақил қўллана олиш сифати ҳам йўқ. Уларни “АБ→АБ” шаклида ифодалаш мумкин. Немис мақоллари орасида яна

<sup>29</sup> Ушбу формулада асосий фикрни берувчи компонент томонга “катталиқ” белгиси қўйилади.

<sup>30</sup> Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қирралари / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1981. – Б. 350.

шундай структурага эга паремиологик бирликлар ҳам борки, улар юқоридаги кўшма дескриптивли мақоллардан фарқ қилади: “Andere Zeiten, andere Sitten”<sup>31</sup> (Бошқа пайт, бошқа урф-одат). Ушбу турдаги мақолларда “мавзу” такрорланади ва “изоҳ” ўзаро зиддий муносабат ҳосил қилади. Уларда мақол компонентлари иккаласи бирлашгандагина яхлит маъно ифодалайди.

Шундай қилиб, икки компонентли мақолларни қисмлар орасидаги семантик-структурал муносабат жиҳатидан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ҳар иккала қисми ўзаро мустақил қисмлардан иборат мақоллар: АБ=АБ (“Аччиқ тил – захри илон, Чучук тилга – жон қурбон”, “Ein gebrauchte Pflug blinkt, stehendes Wasser stinkt” (“Ишлатилган шудгор ялтирайди, турган сув ҳидланиб қолади”));

2. Биринчи қисми зидлаш, қиёслаш вазифасидаги, иккинчи қисми асосий маъно ташувчи мақоллар: АБ<АБ (“Янтоқдан атир чикмас, Қўрқоқдан – ботир”. “Das Pferd beim Zaum, den Mann beim Wort” (“От югани билан кўркам, киши сўзи билан”);

3. Биринчи қисми асосий маънони ифодаловчи, иккинчи қисми қиёслаш, зидлаш маъносида келувчи мақоллар: АБ>АБ (“Ёт ёқадан олар, Ит - этакдан”, “Der Mensch ist zur Arbeit geboren, wie der Vogel zum Fliegen” (Одам меҳнат учун туғилган, Қуш учиш учун);

4. Иккаласи бирлашиб, бир яхлит маъно ифодаловчи мақоллар: АБ↔АБ (“Қийғир учса, чумчукни тиркичда кўр”, “Wie wir heute arbeiten, so werden wir morgen leben” (Бугун қандай ишласак, эртага шундай яшаймиз);

Ушбу таснифдан келиб чиқиб, икки халқ фольклоридаги кўш компонентли мақоллар ўзаро қиёсланганда, юқоридаги тансифлардан биринчи ва иккинчи тип ҳар иккала халқ мақоллари орасида кўпчилиликни ташкил қилади. Учинчи тип эса ўзбек фольклорида ҳам, немис фольклорида ҳам кам учрайди. Тўртинчи тип эса немис мақоллари орасида кўпроқ учрашини кузатдик.

Ўзбек мақолларида ҳам, немис мақолларида ҳам шеърӣй ва насрий кўринишдаги бирликларни учратиш мумкин бўлиб, шеърӣй шаклдаги ўзбек халқ мақоллари бармоқ вазнида, немис фольклоридаги мақоллар эса силлабик шеър тузилишига эгалиги кузатилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “**Ўзбек ва немис мақолларида мавзу ва мазмун**” деб номланиб, унда мақоллар тематикаси ўзаро қиёсланади, икки халқ паремиологиясидаги ўхшаш ва фарқли мақоллар, ўзаро муқобил мақолларнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилади.

Ўзбек ва немис мақоллари мавзу жиҳатидан солиштирилганида, уларда умуминсоний қадриятлар, фазилатлар ва одатлар, фалсафӣй тушунчалар ҳар икки халқ мақолларининг асосий мавзусига айланганлигини кузатамиз. Аммо ҳар икки халқда шундай мавзудаги мақоллар борки, улар бир-биридан кескин фарқланади. Масалан, ўзбек мақоллари орасида фарзанд неъматӣ, фарзандсизлик фожеаси ҳақидаги мақоллар кўп учрайди (Т.Мирзаев

---

<sup>31</sup> Deutsches Sprichwörter-Lexikon. Karl Friedrich Wilhelm Wander. – Leipzig: F. A. Brockhaus, 1880. – S. 525.

бошчилигида тузилган “�збек халқ мақоллари” тўпламида “Фарзанд ва бефарзандлик” мавзусида 149 та мақол бор<sup>32</sup>). Аммо немис мақоллари тўпламида бундай мавзудаги мақоллар деярли учрамайди, мавжудлари ҳам умуман болалар ва уларнинг тарбияси ҳақида. Аксинча, немис паремиясида вақт қадри ва интизомлиликка оид мақоллар кўпчиликини ташкил қилади: “Heute ist besser als zehn Morgen” (Бугун ўн та эртадан яхшироқ), “Früh auf, gut Lauf” (Эрта турганинг йўли очиқ). Бу ҳолатни немис халқига хос бўлган “Deutsche Pünktlichkeit”(немисча аниқлик) ибораси билан изоҳлаш мумкин.

Турли халқлар мақоллари юзага келган макон ва замондан қатъи назар бир-бирига маъно-мазмун, шакл нуқтаи назаридан ўхшаш бўлади. Бу каби мақолларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) шакл ва мазмун жиҳатидан айнан бир хил мақоллар (“Вақт – бу пул”, “Омад кучлиларга кулиб боқадим”); 2) шакли ҳар хил, мазмуни бир хил мақоллар (ўзбекча: “Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичар”, ўзбекча: “Begossene Hunde fürchten das Wasser” (Чўккан ит сувдан қўрқар”); 3) шакли яқин, мазмуни бир хил мақоллар (ўзбек фольклоридаги “Дангасанинг эртаси кўп” ва немислардаги “Morgen, morgen, nur nicht heute, sagen alle faulen Leute”(Эрта, эрта, лек бугун эмас, дейди ҳамма ишқмаслар).

Ушбу таснифга кўра, иккинчи гуруҳга кирувчи мақоллар ўзаро синонимия ҳодисасини вужудга келтиради. Яъни бу каби мақолларда ифодаланаётган мазмун айнан бир хил бўлиб, фикр ифодалаш воситалари турличадир. Масалан, “Der Fuchs ändert den Balg und bleibt ein Schalk” (Тулки терисини ўзгартирса ҳам айёрлигича қолади), “Bär bleibt Bär, fährt man ihn auch übers Meer”( Айиқ айиқлигича қолади, денгиздан нарида ҳам), “Ein Affe bleibt ein Affe, wird er König oder Pfaffe”( Маймун қирол-у поп бўлса ҳам маймундир) сингари немис мақоллари ва “Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашар”, “Илоннинг ўлгиси келса, изда ётар”, “Чумчуқ қутурса, бургутга чопар”, “Эчкининг ўлгиси келса, чўпоннинг таёғига суйкалар” каби ўзбек мақолларида ўзаро маънодошлик ҳодисаси кузатилади.

Учинчи боб **“Ўзбек ва немис халқ мақолларининг образлар тизими ва бадиияти”** деб номланиб, бобнинг биринчи фаслида “Халқ мақолларида образлар тизими” ёритилган.

Халқ мақолларидаги образлар бир турдаги нарса, воқеа-ҳодиса ва шахсларни умумлаштириб келиши билан фарқланади. Уларда “нима ҳақида гап бормасин, юзаки қараганда, гўё унда алоҳида нарса ёки воқелик устидан чиқарилган фикр туб моҳияти билан умуман шундай нарса ёки воқелик учун тааллуқли ҳисобланади”<sup>33</sup>.

Халқ мақолларида қўлланган образларни инсонлар, ҳайвонлар, нарса-предметлар ва воқеа-ҳодисалар каби тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Икки халқ мақолларида ҳам реал ҳаётий образлардан кишиларнинг қариндошлик

<sup>32</sup> O‘zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musaqulov, B.Sarimsoqov. – Toshkent: Sharq, 2013. – B. 272-280.

<sup>33</sup> Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмоқ қатралари / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1981. – Б. 41.

даражаси, касбу ҳунари, ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби кабиларни билдирувчи шахс отлари кўпроқ учрайди. Немис паремиологиясида ўзбек мақолларидан фарқли ўлароқ қариндошлик даражасига кўра шахс отларини англатувчи қуда, қайнота, қайинсингил, қайиноға, қайинука кабилар умуман учрамайди. Тадқиқот объекти сифатида танланган мақоллар орасида фақат қайнона образига дуч келдик: “Schwiegermutter, Teufels Unterfutter” (Қайнона шайтоннинг астари), “Schwiegermutter Tigermutter” (Қайнона йўлбарснинг онаси). Аммо барча немис мақолларида “қайнона” образи салбий бўёқда ифодаланса, ўзбек мақолларида ҳам ижобий, ҳам салбий образ сифатида намоён бўлади.

Мақоллардаги қисқаликка интилиш улардаги образлар ифодаланишида ҳам кўринади. Мақоллар матнида сон, сифат ва сифатдошларнинг отлашиши орқали қисқаликка эришилади: “Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичар”. Аммо бу ҳодисани немис мақолларида кузатмадик: “Begossene Hunde furchten das Wasser” (Чўккан кучук сувдан кўрқар).

Халқ мақолларида фикр ифодалаш воситаси сифатида энг кўп мурожаат этиладиган образлардан бири ҳайвонлар тимсолидир. Биз уларни моҳиятига кўра икки гуруҳга ажратдик: а) рамз образлар – тафаккуримизда муайян бир характер ёки сифатнинг рамзига айланган ҳайвонларнинг матнда айнан шу вазифада келиши (“Ит иззатни билмас, эшак – тарбиятни” ўзбек мақолида ит, эшак; “Alter Fuchs kommt nicht ins Garn” (Кекса тулки тузоққа илинмайди) немис мақолида тулки); б) восита образлар – муайян ҳайвон образининг рамз эмас, шунчаки фикрни юзага чиқариш воситаси сифатида иштирок этиши (“Кўй берган киши ипидан қочмас, Қиз берган киши – сепидан” ўзбек мақолида кўй, “Eine gebrühte Katze scheut auch kaltes Wasser“ (“Куйган мушук совуқ сувдан ҳам қочади”) немис мақолида мушук).

Кузатишимизча, немис мақолларида чўчка, тулки, кўй, бўри, айик, эшак каби ҳайвон образлари кўпроқ учрайди. Масалан, немис халқ мақолларида чўчка тимсоли кўп учрайди. У аксарият ўринларда уй ҳайвони, “севимли нарса”, “севимли одам” маъносида келади: “Für Müllers Henne, Bäckers Schwein und der Witfrau Knecht soll man nicht sorgen” (Тегирмончининг товуғи, новвойнинг чўчкаси ва беванинг хизматкори учун қайғуриш шарт эмас). Аммо баъзи мақолларда ушбу ҳайвон аслиятига хос ифлослик, ирқитлик маъносини ҳам беради: „Die Sau legt sich nach der Schwemme wieder in den Kot“ (Чўчка чўмилгандан кейин ҳам гўнгда ётади). Ўзбек мақолларида эса “чўчка” образига асосан салбий маъно юкланади (“Юртда одам бўлмаса, Тўнғиз тепага чиқар”, “Тўнғизни ботқоқда бос”). Қайтага, ўзбек халқ мақолларида “кўй” образига кўп мурожаат этилиб, унинг тимсолида ювошлик сифати, мулойим, ҳалим инсонлар образи яратилади: “Кўйдек ювош бўл, Отдек — югурук”, “Кўноқ кўйдан ҳам ювош, Мой берсанг ҳам еяверади”, “Кўй қарғиши бўрига ўтмас”. Немис паремиологиясида ҳам кўй образи қатнашган мақоллар бор: “Aus Liebe frißt der Wolf das Schaf” (Бўри кўйни муҳаббат туфайли ейди). Бу образ ҳақида К.Воллмар: “Кўй сабр-

тоқатлилик ва аҳмоқлик симболи ҳисобланади... Эзоп аҳмоқ кўй ҳақида ёзган, ўша даврдан кўй аҳмоқлик тимсоли бўлиб келади” - деб ёзади<sup>34</sup>. Аммо биз таянган манбада кўй образига ушбу маъно нуқтаи назаридан ёндашилган мақолларни учратмадик.

Таҳлиллардан кўриниб турганидек, ҳар иккала халқ мақолларида ҳам айтилмоқчи бўлган фикр учун асос қилиб олинган ҳайвон образлари ва улар билан боғлиқ ҳодисалар ўша халқнинг турмуш тарзи, ҳайвонларга бўлган муносабати, қадриятлари фонида юзага чиққан.

Халқ мақолларида рақамлар ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, немис мақолларида рақамлар ўзбек паремиологиясидаги сингари баъзи ҳолатларда математик миқдор маъносини англатса, баъзи ҳолатларда муайян тарихий воқеалар, табиат ҳодисалари, халқнинг мифологик тасаввурлари асосида келиб чиққан қарашларга бориб тақалади.

Биз таянган манбага кўра олиб борган кузатишларимиз ўзбек халқ мақолларида 1, 2, 3, 7, 40 рақамлари кўпроқ учрашини кўрсатди: “Икки одам – бир одамнинг тангриси”, “Ёмон гап ер тагида уч йил ётар”, “Бир қизга етти кўшни – ота-она”. Немис мақолларида кўпроқ 1, 2, 3, 4, 7, 9, 10, 100, 1000 рақамларини учратишимиз мумкин: “Ein Haus kann nicht zwei Hunde nähren”<sup>35</sup> (Икки ит бир уйда боқилмайди), “Es darf nicht zwei große Masten auf einem Schiff geben” (Битта кемада иккита катта ёғоч устун бўлмайди), “Zwei Hähne auf einem Mist vertragen sich nicht” (Битта гўнгда иккита хўроз бўлмайди), “Aller guten Dinge sind drei” (Ҳамма яхши нарсалар учдан иборат).

Халқ мақолларида рақамлар реал миқдор ва рамзий маънода ишлатилиб, жумладан, ўзбек мақолларида 3, 7, 4, 9, 100, 1000 рақамлари кўпроқ рамзий маънода, 1, 2 рақамлари эса кўпроқ реал миқдор маъносида қўлланади. Немис мақолларида эса 1, 4, 6, 13 рақамлари кўпроқ миқдор маъносида, 2, 3, 7, 9, 10, 100, 1000 сонлари эса рамзий маънода ишлатилишини кузатиш мумкин. Мақоллар таркибидаги рамзий рақамларнинг келиб чиқиши кўпроқ халқнинг мифологик дунё қарашлари, тарихи ҳамда санок системасининг тақомили билан боғланганлигини кузатиш мумкин.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **“Халқ мақолларининг бадийяти”**ни ёритишга бағишланган. Мақоллар поэтикасида кўзга ташланувчи товушлар уйғунлиги, маъно кўчиш турлари, бадий тасвир воситалари, бадий-стилистик воситалар, шеърий унсурларнинг қўлланиши уларнинг бадий-эстетик таъсирчанлик вазифасини янада оширади, кишилар хотирада осон сақланиб қолишига ёрдам беради.

Мақолларда кўп учрайдиган антитеза (зид қўйиш, қаршилантириш, мумтоз адабиётда тазод) ҳодисаси мақолларнинг қутбийлик белгисига асосланиб, унда мақол тематикасига кўра икки қарама-қарши шахс, нарса-предмет, воқеа-ҳодиса, хатти-ҳаракат кабилар ўзаро зидланади, қиёсланади, муайян хулоса берилади. Масалан, “Уруш – йўқлик, Тинчлик – тўқлик”

<sup>34</sup> Қаранг: Атоев. Ш. Символик воситаларнинг немис тилидан ўзбек тилига берилиши: Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 116.

<sup>35</sup> Die deutschen Volksbücher. Gesammelt: Karl Simrock. – Frankfurt, 1846. – S. 202.

(ўзбек мақоли), “Besser ein Spatz in der Hand, als eine Taube auf dem Dach” (немис мақоли таржимаси: Томдаги кабутардан, кўлингдаги қарға яхши).

Халқ мақолларида энг кўп қўлланадиган бадиий усуллардан яна бири такрордир. Унинг қуйидаги турлари бор: 1) фонетик такрор; 2) лексик такрор; 3) морфологик такрор; 4) синтактик такрор<sup>36</sup>. Фонетик такрор усулларида бўлган аллитерация ва ассонанс халқ оғзаки ижодида кенг қўлланади: “Frische Fische – gute Fische” немис мақолида “f”, “sch”; “Бир бош – бало бош, Икки бош – мардона бош” ўзбек мақолида “б”, “ш” товушлари аллитерацияни; “Andere Jahre – andere Naare” немис мақолида “a”, “e”; “От кўрмаган от кўрса, Отхонада от чопар” ўзбек мақолида “o”, “ў” унлилари ассонансни юзага келтирган.

Синтактик параллелизм ҳам мақолларда кўп учрайдиган бадиий такрор воситаларидандир: “Болали хотин – гул хотин, Боласиз хотин – тул хотин” ёки немис мақоли: “Alte soll man ehren, Junge soll man lehren” (Кексаларни эъозлаш керак, Ўғил болаларни ўргатиш керак.)

Халқ мақолларида ўзига хос оҳангдошликни ҳосил қилувчи лексик такрор усулларида яна бири анафорадир. У сўз ёки сўз бирикмаларининг мисралар бошида келишига асосланувчи бадиий санъатлардан бири бўлиб, ўзбек мақолларида ҳам (“*Fайрам* этган тоғни кесар, *Fайрам* темир арқонни кесар”), немис мақолларида ҳам (“*Kleine Kinder, kleine Sorgen, Grosse Kinder, grosse Sorgen*”) учрайди.

Анафоранинг тескариси, яъни сўзларнинг шеърӣ мисра охирида такрорланиб келиши ҳам мақоллардаги оҳангдорликни таъминловчи бадиий воситалардан саналади. Масалан: “Аҳмоқ оғасини *танумас*, Тўқмоқ тоғасини *танумас*”, “*Kurze Rede, Gute Rede*”. Ўзбек тили грамматикасига кўра кесим гап охирида келади ва айнан ана шу кесим бўлақлар мисра охирида такрорланиб, радифни ҳосил қилади. Ўзбек тилидан фарқли ўралок немис тилида кесим позициясига кўра иккинчи ўринда келади. Ундан кейин эса бошқа бўлақлар келади. Шу сабабдан бўлса керак, немис халқ мақолларида мисралар охирида келадиган такрорлар жуда кам кузатилади.

Ўзбек ва немис халқ мақолларини кузатиш орқали шу нарсага амин бўлдикки, фонетик, синтактик такрорлар ҳар иккала халқ оғзаки ижодида кўп учраса, лексик такрорлар немис мақолларига нисбатан ўзбек мақолларида кўпроқ кузатилади. Семантик такрор қўлланган мақоллар эса ҳар иккала халқ ижодида ҳам камчиликни ташкил қилади. Бу каби ўзига хосликларни тилларнинг ички имкониятлари, халқнинг муайян фикрни ифодалашдаги миллий ва ментал хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Халқ мақоллари матнида учровчи кўчим турларидан яна бири метафорадир. У ўхшатиш асоси, восита, ўхшамиш каби унсурларга ортикча изоҳлар берилмаганлиги сабабли ҳам қисқа шакл орқали катта мазмунни ифодаловчи мақол жанри учун асосий воситалардан бири саналади:

---

<sup>36</sup> Темирова М. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 117.

“Ютуқнинг калити – меҳнат”, “Arbeit ist der Ehre Mutter” (Меҳнат – шухратнинг онаси).

Метонимия ҳодисаси ҳам ҳар иккала халқ мақолларида учрайди: “Eine angefaulte Birne verdirbt einen ganzen Korb” (*Чуриган нок бутун саватни айнилади*). Мақолда “саватдаги барча ноклар” сўзи ўрнига “бутун сават” бирикмаси қўлланган. Ўзбек фольклоридаги “Битта шалтоқ бузоқ бир подани бузади” мақолида “подадаги қўйлар” маъносида “пода” сўзи қўлланиб, сўзловчи учун таниш бўлган ҳолатни қайта номлаш орқали фикрий ихчамликка эришилган.

Жонлантириш ҳам мақоллар бадииятида алоҳида ўринга эга: “Der Ball sieht den guten Spieler” (Тўп яхши ўйинчини кўради). Мақолда ҳаракатчан, ўз соҳасининг устаси бўлган, моҳир одам (ўйинчи) омадни (тўпни) эмас, аксинча, омад (тўп) ўз ишида моҳир одам (ўйинчи)гт топиши ҳақида сўз борапти. “Тўп” элементи эса жонлантириш санъатига асос бўлмоқда.

Эллипсис ҳам мақоллар бадииятида энг кўп кузатиладиган усуллардан бири саналади. Бу усул моҳиятан лўнда, қисқа шакл орқали олам-олам маънони ифодаловчи мақоллардаги лаконизм даражасининг янада ошишига сабаб бўлади: “Кўнгил ўйга тўлмас, Бўри – қўйга”. Мақолнинг биринчи компонентда қўлланган ҳаракатни ифодаловчи сўз (тўймас) иккинчи компонентда тушиб қолган. Аммо унинг борлиги мақол шакл ва маъносида билиниб туради. Бу ҳолатни немис мақолларида ҳам кузатиш мумкин: “Der eine hat den Beutel, der andere das Geld” (Бировнинг ҳамёни бор, бировнинг – пули). Мақолда биринчи компонентдаги “изоҳ” тушиб қолган. Аммо унинг маъноси ва иштироки контекстдан англашилади. Кўринадики, ҳар иккала халқ мақолларида ҳам эллипсис ҳодисаси мақолдаги “изоҳ” (тилшунослик нуқтаи назаридан кесимлар)нинг тушиб қолиши билан характерланади.

Халқ мақолларига гўзал бадиият, ўзига хос оҳанг бағишлаб турадиган воситалардан бири қофиядир. У матнга ўзига хос ўйноқилик, оҳанг беради. Шу сабабли бўлса керак, улар кишилар хотирасига осон ўрнашади.

Қофиядош сўзлар асосан икки ва ундан ортиқ компонентга эга бўлган мақоллар матнида учрайди: “Ақлли десанг *аҳмоқни*, Бошга урар *тўқмоқни*”.

Немис мақолларида бир компонентли мақоллар ҳам ўзига хос қофияланиш тизимига эга: “Borgen macht Sorgen”. Бу мақолларга ўзига хос ўйноқилик бағишлаган.

Ўзбек ва немис халқ мақолларидаги қисқа шакл, чуқур мазмун, бетакрор бадиият халқ тафаккурининг чуқур илдизлардан озикланганлигидан далолат беради. Бадиий санъатлар, моҳирона сўз қўллаш, бетакрор бадиият бир-биридан қолишмайди. Фақат аллегория, жонлантириш, синекдоха, метономия, метафора, антитеза, ассонанс, аллитерация, анафора, эллепс, параллелизм каби бадиий санъатларни юзага чиқарган воситалар, деталлар, образларда муайян фарқлар кузатилади.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мақоллардаги энг асосий хусусиятлар сифатида шаклан қисқалик, мазмунан серкўламлик, фикран тугаллик, ижтимоий тажрибани умумлаштириш, муаллифи номаълумлиги каби жиҳатларни келтириш мумкин. Мақоллар муайян вазият тақозоси билан муайян шахс тафаккуридан нутқиға чиққан, тилда воқеланган фикр бўлиб, йиллар давомида турғун, қисқа ва сермазмун жумлага айланган бирликлардир. Уларнинг илк кўриниши муайян шахсга тегишли бўлган. Аммо омма томонидан сайқалланган ва оғиздан оғизга ўтиб, яшаб қолган.

2. Мақоллар тузилиши жиҳатидан бир компонентли, икки (қўш) компонентли ва мураккаб компонентли бўлади. Ҳар бир компонентни икки мантиқий қутб: “мавзу” ва “изоҳ” боғлаб туради. “Мавзу” (“А”) мақолда илгари сурилган асосий фикрни юзага чиқарувчи объект, “изоҳ” (“Б”) ўша мавзунинг мантиқий тасдиғи ёки инкоридир. Шунга кўра, мақоллар ўзаро зиддий ёки нозиддий муносабатда боғланади. Нозиддий муносабат мақол “мавзу”си билан “изоҳ”и ўртасидаги мантиқий мутаносибликка асосланади ва ушбу типдаги мақоллар структураси “А=Б” модели билан белгиланади. Зиддий муносабат тури эса дескриптив “мавзу”си билан “изоҳ”и ўртасидаги номутаносибликни, мантиқий инкорни билдиради ва ушбу мантиқий зиддий муносабатнинг умумий модели эса “А>Б” формуласи билан ифодаланади.

3. Мақоллар структурасини ўрганган олимлар нозиддий муносабат билан бириккан мақоллар “А>Б” ёки “Б<А” тузилишига эга бўлишини таъкидлайдилар. Бизнингча, қўш компонентли (дескриптивли) мақолларни бундай формула асосида белгилаш таҳлил жараёнида чалкашликни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳар бир компонентни “АБ” тарзида белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Компонентлар ораси эса “<”, “>”, “=” ва “→” белгилари билан ажратилади.

4. Икки компонентли мақолларни қисмлари орасидаги семантик-структурал муносабатга кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: а) ҳар иккала қисми ўзаро мустақил компонентлардан иборат мақоллар:  $АБ=АБ$ ; б) биринчи қисми зидлаш, қиёслаш вазифасидаги, иккинчи қисми асосий маъно ташувчи мақоллар:  $АБ<АБ$ ; в) биринчи қисми асосий маънони ифодаловчи, иккинчи қисми қиёслаш, зидлаш маъносида келувчи мақоллар:  $АБ>АБ$ ; д) иккаласи бирлашиб, бир яхлит маънони ифодаловчи мақоллар:  $АБ↔АБ$ . Ўзбек ва немис фольклоридаги қўш компонентли мақоллар ўзаро қиёсланганда, юқоридаги тансифлардан биринчи ва иккинчи тип ҳар иккала халқ мақоллари орасида кўпчиликни ташкил қилишини кузатдик. Учинчи тип ўзбек фольклорида ҳам, немис фольклорида ҳам кам учрайди. Тўртинчи тип эса немис мақоллари орасида кўпроқ учрашига гувоҳ бўлдик. Компонентлар сонига кўра, ўзбек халқ мақолларининг асосий қисмини қўш дескриптивли мақоллар ташкил этса, немис паремиологиясида содда дескриптивли мақоллар асосий ўринни эгаллайди. Мураккаб дескриптивли мақоллар эса ҳар иккала халқ паремиологиясида ҳам жуда кам учрайди.

5. Ўзбек халқ мақолларида ўзбек халқининг доно сиймоси, бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, оилапарварлиги, болажонлиги яққол акс этиб турса, немис халқ мақолларида олмон халқининг интизомлиги, шижоати, ғайрати, қатъийлиги, вақтни қадрлаши, фидойилиги, хур фикрлиги кабилар ўз аксини топади. Ўзбек ва немис халқига хос миллий қадриятларни ўзида акс эттирувчи мавзулар ҳар икки халқ мақолларида ҳам нисбатан кўпроқ кузатилади. Буларга ўзбеклардаги фарзанд неъмат ва фарзандсизлик фожеаси, меҳмондўстлик, яқин қариндошлараро муносабатлар мавзулари, немис халқида вақт қадр, ишдаги аниқлик, тартиб каби мавзуларга нисбатан кўпроқ мурожаат этилганини кўриш мумкин.

6. Ўзбек ва немис фольклорида учровчи бир-бирига муқобил мақоллар икки халқнинг ўзаро алоқалари, ўхшаш, ўзаро яқин турмуш тарзи, қолаверса, умуминсоний қадриятларнинг таъсири ўлароқ дунёга келган. Шу боис улар орасида айнан бир хилларини ҳам, шаклан турлича, мазмунан ўхшашларини ҳам ва шаклан бироз фарқланадиган, аммо мазмуни бир-бирини такрорлайдиганларини ҳам учратиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, ўзбек ва немис халқ мақолларини тематик жиҳатдан 2 гуруҳга ажратиш мумкин: а) умуминсоний қадриятлар мавзусидаги; б) миллий қадриятлар мавзусидаги мақоллар.

7. Мақоллардаги образлар уларни индивидуаллаштириш орқали эмас, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади. Шу туфайли ҳам муайян мақолдаги образ воситасида шу турдаги гуруҳ, омма, инсонлар образи ифодаланади. Халқ мақолларида қўлланган образларни инсонлар, ҳайвонлар, нарсалар, предметлар ва воқеа-ҳодисалар образи каби тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Немис паремияологиясида ўзбек мақолларидан фарқли ўлароқ кишиларнинг қариндошлик даражасига кўра ишлатилувчи образлардан бўлган куёвнинг (ёки келиннинг) қариндошлари қудалар, отаси (қайнота), синглиси (қайинсингил), акаси (қайинака, қайиноға), укаси (қайинини) кабилар умуман учрамайди. Тадқиқот объекти сифатида танланган мақоллар орасида фақат қайнона образига дуч келдик. Аммо немис мақолларида қайнона образи салбий бўёқда ифодаланса, ўзбек мақолларида ҳам ижобий, ҳам салбий образ сифатида намоён бўлади.

8. Халқ мақолларидаги ҳайвон образларини моҳиятига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) рамз образлар; б) восита образлар. Халқ орасида шаклланган тасаввурга кўра, муайян бир характер ёки сифатнинг рамзига айланган ҳайвонларнинг матнда айнан шу вазифада келиши рамз образлар гуруҳига кирса, муайян ҳайвон образининг рамз эмас, шунчаки фикрни юзага чиқариш воситаси сифатида иштирок этишини восита образлар гуруҳига киритиш мумкин.

9. Немис мақолларида чўчқа, тулки, қўй, бўри, айиқ, эшак каби ҳайвон образлари, ўзбек мақолларида қўй, от, ит, эшак, эчки, туя каби тимсоллар кўпроқ учрайди. Мақоллардаги ҳайвон образлари дунё халқларида турли маънога эга бўлишини кузатдик. Масалан, чўчқа кўп халқларда ифлослик, жирканч хоҳиш-истаклар тимсоли бўлса, баъзи халқларда бахт ва ҳосилдорлик рамзи сифатида ҳам қадрланар экан. Немис халқ мақолларида

чўчка аксарият ўринларда уй ҳайвони, “севимли нарса”, “ёқимли таом” маъносида келади. Ўзбек халқ мақолларида эса бу образга салбий маъно юкланади ва боқиладиган уй ҳайвони эмас, овланадиган ёввойи ҳайвон сифатида талқин қилинади.

10. Ҳар иккала халқ мақолларида ҳам айтилмоқчи бўлган фикр учун асос бўлган ҳайвон образлари ўша халқнинг турмуш тарзи, ҳайвонларга бўлган муносабати, қадриятлари фонида юзага чиққан. Шу боис муайян бир халқда бирор-бир фазилят ёки иллатнинг рамзига айланган жонзот ёки ўсимлик бошқа халқда бутунлай янгича маънони англатиши мумкин. Бу уларнинг миллий ўзига хослиги, урф-одатлари, диний, ижтимоий, сиёсий дунёқараши ёки эътиқодлари билан боғлиқдир. Буни билиш орқали бир тилдаги бадиий асарни иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида ҳам аниқликка эришилади.

11. Рақамлар фольклорнинг бошқа жанрлари каби халқ мақолларида ҳам фаол иштирок этади ва улар икки хил: реал миқдор ва рамзий маънода ишлатилади. Жумладан, ўзбек мақолларида уч, етти, тўрт, тўққиз, юз, минг рақамлари кўпроқ рамзий маънода, бир, икки рақамлари эса кўпроқ реал миқдор маъносида қўлланади. Немис мақолларида бир, тўрт, олти, ўн уч рақамлари кўпроқ миқдор маъносида, икки, уч, етти, тўққиз, ўн, юз, минг сонлари эса рамзий маънода иштирок этганини кузатиш мумкин.

12. Мақолларда антитезани юзага келтирган сўзларнинг баъзилари мустақил ҳолатда, баъзилари фақат матн ичидагина зид маъноли сўзлар қаторини ҳосил қилган. Аксарият ўринларда ўзаро зидликни ҳосил қилган сўзларнинг қофияланиб келаётгани паремиологик бирликнинг таъсирчанлигини янада оширган.

13. Фонетик, синтактик такрорлар ҳар иккала халқ оғзаки ижодида кўп учрайди, лексик такрорлар немис мақолларига нисбатан ўзбек мақолларида кўпроқ кузатилади. Семантик такрор қўлланган мақоллар эса ҳар иккала халқ ижодида ҳам камчиликни ташкил қилади. Бу каби ўзига хосликларни тилларнинг ички имкониятлари, халқнинг муайян фикрни ифодалашдаги миллий ва ментал хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,  
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОР**

---

**ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОР**

**БАФОЕВ ФАРРУХ САДРИДДИНОВИЧ**

**СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ  
УЗБЕКСКИХ И НЕМЕЦКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ**

**10.00.08 – Фольклористика**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.1.PhD/Fil760.**

Диссертация выполнена в институте Узбекского языка, литературы и фольклора.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Эшонкулов Жаппор Салиевич  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Алламбергенов Кенесбай Алламбергенович  
доктор филологических наук, профессор

Сайиткулов Илхом Абдусаламович  
доктор философии (PhD) по филологическим наукам

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 по присуждению ученых степеней при институте Узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_ часов. (Адрес: 100060, Ташкент, Шахрисабзский переулок, дом 5. Тел: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Главной библиотеке АН Республики Узбекистан. Адрес: 100100, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(Реестровый протокол № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Б. Тухлиев**  
председатель Ученого совета  
по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

**Л. Худайкулова**  
научный секретарь Ученого совета  
по присуждению ученых степеней, к.ф.н.

**Ш. Турдимов**  
председатель Научного семинара  
при Ученом совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой фольклористике уделяется серьезное внимание сохранению образцов устного народного творчества в качестве объекта нематериального культурного наследия, вопросам его изучения и популяризации. Ибо фольклорные произведения являются бесценным духовным наследием, сохраняющим в себе великую историю народа, его обычаи и традиции. “Все нам хорошо известно, что бесценные жемчужины культуры, созданные человечеством, нашли свое воплощение, прежде всего, в искусстве фольклора каждой нации... Искусство фольклора можно определить как песню детства человечества”<sup>1</sup>. Их сохранение, передача последующим поколениям является символом безграничного уважения и почитания народом своей истории и великих предшественников. В то же время, фольклорные произведения в виде своеобразного зеркала, отражающего в себе пройденный народами путь, представляют собой важный фактор в аспекте изучения особенностей национального менталитета и пути в качестве отдельной нации.

Изучение в типологическом аспекте народных пословиц, превратившихся в мировой фольклористике благодаря своей сжатой форме и глубинному смыслу в бесценный образец, считается одной из важных задач настоящего дня. Ибо, изучение во взаимном сравнительном плане их тематики, художественности, структуры дает возможность целостно пронаблюдать национальное своеобразие народов и эволюцию их мышления. В этой связи весьма ценны суждения В.М. Жирмунского, который положил начало сравнительно-типологическому изучению образцов народного творчества. По определению ученого, сходные по содержанию произведения в фольклоре различных народов “... демонстрируют характерные для создавшего их народа исторические, психологические и социальные свойства, общественные идеалы данного народа, а также национальное своеобразие в художественности и, подобным образом, национальный облик этого народа. Их изучение посредством сравнительного принципа дает возможность глубоко осознать исторические основы данного национального своеобразия”<sup>2</sup>.

И в узбекской фольклористике, исходя из данного аспекта, сравнительно-типологическое изучение и исследование узбекских и немецких народных пословиц с точки зрения их тематики, структуры, художественности, системы образов, способствует определению общих и своеобразных сторон обычаев, традиций и ценностей этих двух народов, упрочению культурных связей между странами. Кроме того, определение взаимозэквивалентных пословиц в паремиологии двух народов и создание их источника имеет большое значение в аспекте, выдвинутом на сегодня на уровень государственной политики – развитие узбекского языка, укрепление его статуса в ряду других мировых

---

<sup>1</sup> Речь Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на торжественной церемонии открытия международного фестиваля искусства бахши // Народное слово. – Ташкент, 7 апреля 2019 года.

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979. – С.186.

языков, разработка корпуса национального языка.

Данное исследование в определенной мере служит для претворения в жизнь приоритетных целей и задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан “О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” УП-4947 от 17 февраля 2017 года, “О мерах по коренному повышению статуса и положения узбекского языка в качестве государственного” УП-5850 от 21 октября 2019 года, постановлениях “О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши” ПП-4320 от 14 мая 2019 года, “Об организации деятельности Республиканского центра искусства бахши и фонда по развитию искусства бахши” ПП-798 от 23 сентября 2019 года, в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “Об утверждении Государственной программы по защите, сохранению, популяризации и использованию нематериального культурного наследия в 2010-2020 годах” № 220 от 7 октября 2010 года, а также в другой нормативно-правовой документации, касающейся данной сферы.

**Соответствие исследованию приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением “Формирование системы инновационных идей и путей их претворения в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информированного общества и демократического государства” развития науки и технологий в республике.

**Степень изученности проблемы.** В мировой фольклористике осуществлен ряд работ относительно собирания, издания и научного исследования входящих в особый вид устного народного творчества народных пословиц. В частности, русскими учеными на примере паремиологии определенного народа исследованы такие вопросы, как происхождение народных пословиц, генезис, художественность, структура<sup>3</sup>.

В аспекте собирания, издания и изучения узбекских народных пословиц следует особо отметить заслуги венгерского ученого Г.Вамбери и русского исследователя Н.Остроумова<sup>4</sup>. Позднее, если узбекские фольклористы Х.Зарифов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, Б.Саримсаков, А.Мусакулов издали сборники пословиц<sup>5</sup>, то Б.Соатов и Х.Шарафиддинов написали кандидатские

---

<sup>3</sup> Даль В.И. Пословицы русского народа. – М.: Гослитиздат, 1957; Рыбникова М.А. Русские пословицы и поговорки. – М., 1961; Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М., 1957; Снегирев И.М. Русские народные пословицы и притчи. – М., 1948. – С. 41.

<sup>4</sup> Vamberi H. Tschagataische Sprachstudien. – Leipzig, 1867; Остроумов Н. П. Пословицы и загадки сартов / Этнографические материалы. Вып. III. – Ташкент, 1895.

<sup>5</sup> Узбекские народные пословицы / Подг. к изд.: М.Афзалов, Худойбергандов, С.Ибрагимов. – Ташкент: Ўздавнашр, 1958; Узбекские народные пословицы / М.Нурмухамедов, М.Кошчанов, Б.Саримсаков. – Ташкент: Фан, 1978; Узбекские народные пословицы / М. Нурмухамедов, М.Кошчанов, М.Мурадов. – Ташкент: Фан, 1981; Узбекские народные пословицы / Сост.: Б.Саримсаков, А.Мусакулов, М.Мадрахимова. – Ташкент: Фан, 1984; Узбекские народные пословицы / Т.Мирзаев, Б.Саримсаков. – Ташкент: Фан, 1987; Узбекские народные пословицы. Т.1. А-О. / Ответ. Ред.: Т.Мирзаев, Б.Саримсаков. – Ташкент: Фан, 1987; Узбекские народные пословицы. Т.2. П-Х. / Ответ. ред.: Т.Мирзаев, Б.Саримсаков. – Ташкент: Фан, 1988; Узбекские народные пословицы / Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсаков. – Ташкент: Шарқ, 2003; O‘zbek xalq maqollari / T.Mirzayev, Sh.Turdimov. – Toshkent: Sharq, 2012.

работы по данной теме<sup>6</sup>. В статьях М.Афзалова, Б.Саримсакова, О.Мадаева, Б.Соатова, Д.Рахимбаевой, Ф.Райханова и других ученых обстоятельно освещены жанровые особенности пословицы<sup>7</sup>. На основе сравнительного изучения узбекских пословиц с образцами родственных и других народов появились кандидатские диссертации Д.Рахимбаевой и М.Темировой<sup>8</sup>. Помимо этого, Х.Абдурахманов, Б.Джураева, Д.Тошева, Д.Турдалиева исследовали пословицы в лингвистическом аспекте<sup>9</sup>.

